

**МАМЛАКАТ ТҮЛӨВ БАЛАНСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА
МАРКАЗИЙ БАНК ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Жумаева Сохибжамол Холмуратовна

ТМИ, “Халқаро молия-кредит” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакат түлов баланси ва унинг таркибий тузилиши, түлов балансини тартибга солиши усуллари, мамлакат түлов балансини Марказий банкнинг валюта сиёсати орқали тартибга солишни таомиллаштириши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: түлов баланси, түлов балансини тартибга солиши усуллари, Марказий банк, валюта сиёсати.

**DIRECTIONS FOR IMPROVING THE CURRENCY POLICY OF THE
CENTRAL BANK IN REGULATING THE COUNTRY'S BALANCE OF
PAYMENTS**

ANNOTATION

In this article, the country's balance of payments and its structural structure, ways of regulating the balance of payments, proposals for improving the regulation of the country's balance of payments through the currency policy of the Central Bank have been developed.

Key words: *balance of payments, methods of regulating the balance of payments, Central Bank, currency policy.*

КИРИШ

Эмпирик тадқиқотлар натижалариға асосланиб, таъкидлаш ўринлики, тўлов балансини тартибга солишида валюта курсини танлаш сиёсати муҳим ўрин тутади. Айни пайтда, мослашувчан валюта курси режими жорий ҳисобварагнинг ижобий мувозанатини таъминлашга кўмаклашиши билан бирга, ривожланаётган мамлакатларда миллий иқтисодиёт ўсиш суръатларига маълум маънода салбий таъсир кўрсатиши ҳам кузатилади. Хусусан, “мазкур режим шароитида мамлакат иқтисодиёти жаҳон ёқилғи ва хомашё бозоридаги нархлар конъюнктурасига узвий боғланиб қолиши мумкин” [1]. Шу боисдан, ўзгарувчан алмашув курси режимига ўтиш “голланд касаллиги” белгилари мавжуд бўлган мамлакатлар миллий иқтисодиётида тузилмавий ислоҳотларни тезкор амалга оширишни тақозо этади.

Тўлов балансини тартибга солишининг муҳим инструментларидан бири дисконт ставкасини ўзгартиришdir. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкани (аввалги қайта молиялаш ставкаси) тартибга солиш орқали ташқи омиллар таъсири остида хусусий капиталнинг миллий иқтисодиётдан чиқиб кетишини бартараф этиш имкониятига эга. Бироқ дисконт сиёсати инструментининг мавжуд бўлмаслиги ёки самарасизлиги ўтиш иқтисодиёти мамлакати монетар органининг таъсир имкониятларини чеклаб қўяди. Шунга қарамай, юқори фоиз ставкалари тўлов балансини тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қилиши, хусусан, ички хусусий капиталнинг хорижга экспорт қилинишини олдини олиши мумкин. Умуман олганда, “Марказий банк асосий ставкасининг кўтарилиши тўлов балансининг молиявий ҳисоби ҳаракатини жорий ҳисоб баланси ҳаракати билан мувофиқлаштиришга ва пировард натижада тўлов баланси умумий ҳолатининг барқарорлигини таъминлашга ёрдам беради” [2].

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

«Тўлов баланси» атамаси илк маротаба Д.Стюарднинг «Сиёсий иқтисод тамойиллари ҳақида тадқиқотлар» (1767 й.) асарида фойдаланилган бўлиб,

унда ташқи савдо ва капитал ҳаракати ўртасидаги боғлиқлик кўрсатиб берилган [3].

Н.Х.Жумайев ўз тадқиқотларида миллий валюта курси режимини танлаш ва уни амал қилиш шарт-шароитларини асослаган [4].

Ж.Атаниязов ва Э.Алимардоновлар мамлакатнинг тўлов баланси, унинг таркибий бўлимлари, тўлов балансини ҳисоб-китоб қилиш усуслари, тўлов баланси тақчилигини олдини олиш йўллари каби масалаларни ўрганишган [5].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ички пул бозорида фоиз ставкасининг ошиши миллий иқтисодиётдаги хўжалик субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажмини қисқартириши мумкин. Тижорат банкларининг кредитлар бўйича юқори фоиз ставкалари хўжалик субъектларининг сармояларини чекланишига сабаб бўлади. Натижада миллий иқтисодиёт бўйича инвестициялар ҳажмининг қисқариши, иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши, аҳоли харид қувватининг тушиб кетиши, бюджет дефицитининг ортиши каби оқибатларни юзага келтириши мумкин.

Шу боисдан, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки миллий ва хорижий валютада евробондлар ва суверен облигацияларни жаҳон капитал бозорида жойлаштириш орқали қарз жалб қилишда фоиз ставкаларини тартибга солишдан фаол фойдаланиши зарур” [2].


Валюта паритетини ўзгартириш тўлов балансини мувозанатлашнинг муҳим инструментларидандир. Тўлов баланси бўйича сурункали дефицитга эга бўлган давлатлар миллий валютасини девальвациялашга, ижобий қолдиқقا эга бўлган давлатлар эса ўз иқтисодиётларини ташқи бозорлар конъюнктурасининг салбий таъсиридан ҳимоялашга тўғри келиши мумкин.

Айни пайтда, шуни ҳам унутмаслик керакки, валюта паритетининг ўзгариши қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. “Унинг самарадорлигини таъминлаш учун давлатнинг умумий иқтисодий ва молиявий сиёсати қай даражада мувофик тарзда олиб борилиши билан белгиланади.

Ташқи сектор ва миллий иқтисодиётни тартибга солиш борасидаги зиддиятларни самарали ҳал этиш замонавий шароитларда нафақат ташқи ҳисоб-китоблар ҳолатини барқарорлаштиришга, балки валюта курсларига қўпроқ мослашувчанлик тақдим этади” [6].

Ҳозирги кунда республикамизда валюта курсига босим янада ортиши кузатилмоқда. Бунга сабаб сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:


- давлат бюджетининг дефицит билан бажарилиши тенденция касб этмоқда;
- давлат ташқи қарзи ҳажми ортмоқда ва унга хизмат қўрсатиш шартлари девальвация туфайли мураккаблашиши мумкин;
- республика тўлов балансининг жорий операциялар ҳисобвараги, хусусан, ташқи савдо балансининг дефицити кузатилмоқда;
- республика иқтисодиётининг долларлашув даражаси юқорилигича қолмоқда, хусусан, миллий банк сектори ялпи активлари ва пассивлари таркибида хорижий валютадаги актив ва мажбуриятларнинг улуши сезиларли даражада юқоридир.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзи динамикаси, млрд. АҚШ доллари [2]


Сўнгги йилларда республикамиз давлат қарзи ўсиш динамикасига эга бўлмоқда. Хусусан, 2016-2021 йилларда умумий давлат қарзи таркибида ташқи қарз улуши кескин ошган. Натижада 2021 йилнинг якунига келиб, давлат қарзининг ЯИМга нисбати 40,4 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзи 2021 йилнинг бошига нисбатан 16 фоизга ёки 5,4 млрд. долларга ошган ҳолда, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 39,6 млрд. долларни ташкил қилди.



2-расм. Ўзбекистон умумий ташқи қарзининг жалб қилиш муддатлари бўйича таркиби (01.01.2022 й.) [2]

Таҳлилларимиз кўрсатишича, 2022 йилнинг 1 январига келиб, республика умумий ташқи қарзи таркибида 10 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган қарзлар улуши 61,4 фоизни ташкил этган (2-расмга қаранг). 1 йилдан 5 йилгача ва 5 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга жалб қилинган ташқи қарзларнинг улуши, мос равишда, 19,6 ва 14,3 фоизни ташкил этган. Мазкур ҳолат ташқи қарзга хизмат кўрсатиш қисқа муддатли даврий оралиқда давлат бюджети учун сезиларли юк бўлмаслигини англатади. Бироқ, ташқи қарздан қай мақсадларда ва қандай фойдаланиш масаласи ўзининг долзарблигини йўқотмайди ва доимий сергаклик талаб этади.



3-расм. Ўзбекистон умумий ташқи қарзининг молиявий инструментлар бўйича таркиби [2]

2021 йилда давлат ташқи қарзи бўйича тўловлар таҳлили кўрсатишича, асосий қарз бўйича 651,3 млн. АҚШ доллари, фоиз тўловлари бўйича 380,2 млн. АҚШ доллари миқдорида тўловлар амалга оширилган. Хусусий ташқи қарз бўйича асосий қарз ва фоиз тўловлари ҳисобот йилида, мос равища, 2,0 млрд. АҚШ доллари ва 370,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилган. Айни пайтда, ташқи қарз бўйича тўловларнинг асосий қисми нефт-газ ва энергетика сектори корхоналари зиммасига тушаётганлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Жами ялпи ташқи қарзининг асосий қисмини кредитлар ва қарзлар ташкил қилиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 80 фоизини ёки 34,9 млрд. долларни ташкил қилди. Шунингдек, қарз қимматли қоғозлари бўйича мажбуриятлар йил бошига нисбатан 1,7 млн. долларга кўпайди, бунга Ҳукумат томонидан 635 млн. доллар ҳамда 2,5 трлн. сўм қийматидаги қимматли қоғозларни чиқарилиши ҳамда банк ва номолиявий корхоналар томонидан 785 млрд. сўм, 1,0 млрд. доллар қийматидаги қимматли қоғозларни жаҳон бозорларига чиқарилиши билан изоҳланади.

Бошқа мажбуриятлар бўйича ўзгариш асосан савдо кредитлари ва бўнаклар ҳамда бош компаниялардан олинган қарзлар хиссасига тўғри келади. Ялпи ташқи қарзнинг ЯИМга нисбати, бошқа мажбуриятларни ҳисобга олмаган ҳолда, 57 фойзни ташкил қилди.

МУҲОКАМА

Валюта курси шаклланиши жараёнида “Марказий банк аралашувини минималлаштириш заруриятидан келиб чиқиб, хорижий валютадаги кредитлар ва давлат ташқи қарзи ўсиш суръатларини кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик зарур”. Шу мақсадда валюта курсига нисбатан талабни тартибга солиш усули сифатида давлат ташқи қарзининг ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз қўрсаткичига нисбатан ҳажмини чеклашда халқаро амалиётда мавжуд Мaaстрихт мезонини қўллаш (ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат қарзининг 60 фойздан ошмаслиги) мақсадга мувофиқ.

Мамлакат олтин-валюта захираларини юқори даражада диверсификациялаган ҳолда, халқаро капитал бозорига қарз инструментларини фаол жойлаштириш шароитида унинг микдори камайишига йўл қўймаслик зарур.

Экспортни нодевальвацион қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтириш зарур. Шу жумладан, “ташқи савдони молиялаштириш механизмларини ривожлантириш, бошқача айтганда, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларини харид қилувчи импортёрларни кредитлаш амалиётини йўлга қўйиш зарур”. Шунингдек, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг импортёрлари учун кредит олишда гаров ва кафолатлар масаласида ҳам қўшимча имкониятлар тақдим этилиши керак.

ХУЛОСА

Сўм алмашув курсига босимнинг юқорилиги (импортнинг экспортдан кескин ошиши, ташқи қарзга хизмат қўрсатиш) сақланиб қолаётган бир шароитда, сўмнинг етакчи хорижий валюталарга нисбатан номинал курсининг

кескин тебраниши силлиқлаш (текислаш) мақсадида валюта интервенциясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари миллий валюталарига нисбатан сўм реал алмашув курсининг ортиб кетишини олдини олиш орқали миллий товар ва хизматларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш зарур.

Экспорт ва импортнинг даромад ва нарх бўйича эластиклигини ошириш мақсадида республикамиз ташқи савдоси таркибида юқори технологиялар билан чукур қайта ишланган ва юқори қўшилган қийматга эга бўлган товарлар улушкини кўпайтириш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Пасенко С. Механизмы минимизации негативных влияний финансово-экономических процессов на развитие национальной и региональной экономик // <http://dep.nlb.by>.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари // <https://www.cbu.uz>
3. Нодир Жумаев. “Wais то аттраст инвестмент шитҳ асессмент оғ инвестмент потентиал оғ тҳе регионс” Интернатионал Жоурнал оғ Эсономисс, Соммерсе анд Манагемент Унитет Кингдом Вол. ВИИ, Иссуе 2, Фебруарий 2019 Лисенсед ундер Среативе Соммон Паге 664, ИССН 2348 0386
4. Атаниязов, Ж. Х., & Алимардонов, Э. Д. “Халқаро молия муносабатлари” Тошкент-2014. УФМЖ., Дарслик, 279, 280.
5. Мищенко С.В. Механизмы координации денежно-кредитной и налогово-бюджетной политики // Известия Санкт-Петербургского государственного экономического университета, 2012, №5
6. cbu.uz